

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

413 Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2457-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 27 мартдаги 9, 24, 12, 2013-22 ва 01-02/19-28-сон қарори (рўйхат рақами 2457, 2013 йил 17 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 267-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 30 июль,
21-сон

413-модда

— 148 —

32 (636)-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2014 йил 30 июль,
76-сон

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 30 июль,
13-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 30 июль,
2014-30-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 30 июль,
01-02/19-11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг
2014 йил 30 июлдаги 21, 76, 13, 2014-30,
01-02/19-11-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан
чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав
фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида
хабардор этиш тартиби ҳақидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 3-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, таъсисчи чет элдаги ташкилотнинг устав фонди (капитали)да-
ги ўз улушини товарлар билан шакллантиришда, божхона органларига чет
элда ташкилот ташкил этиш тўғрисида қарор тақдим этган ҳолда, товарлар-

ни чет элдаги ташкилот устав фонди (капитали)даги ўз улушини шакллантириш ҳисобига «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимига расмийлаштирадиган (товарларни олиб ўтишнинг хусусиятлари «товарларни инвестиция сифатида олиб чиқиш» сифатида кўрсатилади).»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

2. 9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ваколатли органдан таъсисчилар рўйхатини олган кундан эътиборан уч иш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига рўйхатда кўрсатилган таъсисчиларнинг бюджет олдига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бор ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани (зарур бўлганда — электрон шаклда) тақдим этади.».

3. 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Чет элдаги ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, у қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда, шунингдек чет элдаги ташкилотнинг таъсисчилари, шу жумладан хорижий таъсисчилари ўзгарганда таъсисчи бир ой ичида ваколатли органни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, белгиланган тартибда легализация қилинган тегишли ҳужжатларни юборган ҳолда хабардор этади.».

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

***Савдо-саноат
палатаси раиси***

А. ШАЙХОВ

2014 йил 30 июль